

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Оқбоев, Н.Муталлиев

Параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласи.....6

КИМЁ

И.Аскаров, А.Хаджикулов

Хурмо экстрактларининг антиоксидантлик хусусиятларини ўрганиш.....10

А.Ибрагимов, Т.Амирова, А.Иброхимов

Матоларни кимёвий таркибига кўра сертификатлаш ва таснифлашга доир.....15

И.Аскаров, М.Ҳожиматов, Ф.Абдугаппаров

М-ферроценилбензой кислотасининг метилолдитиомочевина билан реакциясини ўрганиш.....19

М.Акбарова

Синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва атроф муҳитга таъсири.....24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

А.Гадоев, Х.Комилова, Г.Гадоева

Қува туманида уй ҳайвонларининг саркоспоридийлар билан заарланиши.....29

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.Таджибаев

Рақамли иқтисодиёт нима?32

ТАРИХ

А.Азизов

Замонавий этнологик тадқиқотларда ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларнинг назарий-методологик талқини37

З.Рахманов, Р.Муродалиев

Фарона вилояти худудидаги мозор-қўрғонларни ўрганиш бўйича янги тадқиқот.....43

Ж.Адилов

Александр Бекович-Черкасский Хивага юришининг тарихи тарихий-географик тадқиқотлар контексти жиҳатидан.....50

Ж.Тоғаев

Тарихий реконструкция масаласига доир баъзи мулоҳазалар.....55

Қ.Пўлатов

XX асрнинг 20-50-йилларида ўзбек театр ва кино санъати мафқуравий тарғибот қуроли сифатида61

М.Тухтаева

Мусулмон ренессанси даврида Марказий Осиёда ҳунармандчилик (IX-XIIасрлар)....65

Б.Аббасов

Ўзбекистон ССРнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни.....70

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Рахимов

Бадиий тил ва ижодкор маҳорати.....75

БАДИЙ ТИЛ ВА ИЖОДКОР МАҲОРАТИ

ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ЯЗЫК И ТВОРЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО

ARTISTIC LANGUAGE AND CREATIVE SKILLS

3.Раҳимов¹

¹3.Раҳимов

— ФардУ филология фанлари номзоди, доценти.

Аннотация

Мақолада истеъдошли адаб Одил Ёқубовнинг поэтик маҳорати тадқиқи орқали бадиий асар қаҳрамонларининг руҳий-маънавий оламини акс эттириши жараёни ёритилган. Адабининг илк ижодидан энг сўнгги асарларигача инсонийлик, адолат, ҳақиқат, диёнат фазилатлари талқинига жиддий эътибор қаратганлиги асосланган.

Аннотация

В статье описывается процесс отражения духовно-нравственного мира героев художественного произведения через исследование поэтического мастерства талантливого писателя Одила Якубова. Обосновано серьезное внимание писателя, которое он уделял-начиная с раннего творчества до последних произведений, – трактовке таких качеств, как человечность, справедливость, правдивость, благочестие.

Annotation

The article describes the process of reflecting the spiritual world of artistic heroes through the study of the poetic skill of the talented writer Odil Yakubov. The analyses are based on the author's serious attention to the interpretation of the qualities of humanity, justice, truth, religion from the first to the last work.

Таянч сўз ва иборалар: бадиийлик, бадиий тил, диалог, монолог, образ, талқин, маҳорат, тасвир, образ.

Ключевые слова и выражения: художественность, художественный язык, диалог, монолог, образ, интерпретация, мастерство, образ.

Key words and expressions: artistry, artistic language, dialogue, monologue, image, interpretation, skill, image.

Истиқлол йилларига келиб барча соҳаларда бўлгани каби, адабиётшунослик соҳасида ҳам жиддий тадқиқотлар майдонга келди. Буларнинг замираида адолат ва ҳақиқатни, инсон қалbidаги кечинмаларни, ботиний оламидаги зиддиятларни, асосли талқин ва таҳлил этиш жараёнида ижодкорнинг бадиий поэтик оламини тадқик қилиш ва асосли хуносалар чиқариш имкони юзага келди.

Маълумки, мустақил Ўзбекистон фани жаҳонга юз тутиб, кейинги йилларда юксалиш, янгиланиш жараёнини бошидан кечирмоқда, энг долзарб ва муҳим масалаларни тадқиқот марказига олиб чиқмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида ҳам мазмунан теран ва сифат жиҳатидан янги илмий тадқиқотлар олиб бориш учун интилиш кучайиб бормоқда. Биргина адабиётшунослик фанини оладиган бўлсак, бу фан ўз обьектига янгича назар билан қараш, адабий жанрлар поэтикасини чуқурроқ ўрганиш, янгича адабий-эстетик мезонлар асосида бадиий асар таҳлилига

ёндашиш учун ҳаракат қилмоқда. Бу эса йиллар давомида қайд этилган тушунчаларни изоҳлайди ва тўлдиради. Ҳар қандай адабий асарнинг бадиий юксаклиги, умри узоклиги, ўзига хос фазилатлари, сехри ва жозибаси, ижодкорнинг бадиий маҳоратини ёритишида, биринчи навбатда, ёзувчининг индивидуал услубида, асарнинг тил бойлигига, ундаги муаллиф нутқининг ўзига хос қурилишида намоён бўлади. Шунга биноан, мазкур мақолада таникли ёзувчи Одил Ёқубов асарларининг ўзига хос услубий хусусиятлари, уларда бадиий нутқ жозибасининг намоён бўлиш имкониятлари ҳақида баъзи бир фикрларни баён этмоқчимиз.

Одил Ёқубов адабиёт майдонига XX асрнинг 50-йилларида катта ҳаётий тажриба, Иккинчи жаҳон урушининг оғир жанг синовларидан қолган оғир жароҳатларни қалб қаърида яшириб, “оғириқлар” ни кўтариб, адабиёт саҳнасига кириб келди. Шунинг учун талабалик йилларида ёк “Тенгдошлар” қиссаси билан ўқувчилар қалбидан мустаҳкам ўрин олишга интилган эди. Ёзувчининг ўзи бу

асарга қуидагича баҳо беради: “Илк қиссам “Тенгдошлар” ни армия сафида хизмат қилиб юрган соғларимда ёзганман. Күп сарсон-саргардонликлардан кейин бу қисса, ниҳоят, 1951 йили ... “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилди. Қисса урушдан кейин, айниқса, авж олган конфликтсизлик “назария” си таъсирида ёзилган...” [1,67].

Миллий адабиётшунослигимизда Одил Ёқубов ижодини, айниқса, унинг романларини ўрганишга доир қатор тадқиқотлар яратилган. Булар орасида, айниқса, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, А.Рахимов, Ҳ.Каримов, Д.Тўраев, А.Холмуродов, А.Насиров, Т.Қурбонов, С.Камилова каби олимларнинг ишлари алоҳида эътиборга моликдир. Бу тадқиқотларда ёзувчининг асарларида бадиий маҳорат муаммолари ўрганилган ва маълум даражадаги илмий-назарий хуносалар чиқарилган. Шу билан бирга, ёзувчи Одил Ёқубов ижодини адабий портрет характерида тадқиқ этувчи бир қанча ишлар ҳам яратилган. Аммо бу тадқиқотларда ёзувчи асарларининг бадиий-услубий хусусиятлари алоҳида таҳлил этилмаган.

Профессор Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда, ёзувчи Одил Ёқубовнинг биринчи “пичоқка илинадиган” асари 1961 йилда эълон қилинган “Муқаддас” қиссасидир. Бу қиссада муаллиф ҳаётнинг ўзидан олган завқни, юрак дардлари-ю ҳаяжонларини ёрқин акс эттира олган. Шунинг учун бу қисса ўша даврда катта шов-шувларга сабаб бўлган ва китобхонларнинг хатлари ёзувчига ёмғирдек ёпирилиб келган эди. Энг муҳими, бу қисса ёзувчининг бош ахлоқий-эстетик тамойилини белгиловчи асар сифатида ҳам қимматлидир. Қиссага ном сифатида танланган Муқаддас фақат асарнинг бош қаҳрамони бўлган қизнинг исми сифатидагина эмас, энг юксак ахлоқий муқаддас туйғуларнинг ифодаси сифатида ҳам эътиборга молик. Луғатларда таъкидланишича, арабча “муқаддас” сўзи-пок, тоза, азиз; илоҳий, олижаноб” маъноларини билдиради.

Дарҳақиқат, “Муқаддас” қиссасининг бадиий қаҳрамонлари хатти-харакатида энг азиз, энг муқаддас инсоний туйғулар – виждан, бурч, диёнат, имон-эътиқод, ҳақиқат, ҳаётнинг мураккаб қирралари, инсон қалbidаги изтироблар, адолатнинг тантанаси сингари ғоялар ўз аксини топган. Шуниси

муҳимки, адаб ана шу қаҳрамонларининг портретини чизища уларга бўлган ўз муносабатини яширади, иложи борича, очик беаёв тасвирдан қочади. Шунинг учун адаб асарларида ҳатто ўқувчи нафратига лойик қаҳрамонларнинг портретини яратишида ҳам келишган, қадди-қомати чиройли қилиб тасвирлайдики, бу эса унга нисбатан меҳр уйғотади. Масалан, ёзувчининг қиссаларидан бири “Излайман” да капитан Ногаев жуда келишган, тартибли, ҳатто Гоби саҳроси, Хинган тоғларида юрганда ҳам этигига гард юқтиримайди. Лекин у қанчалик орастা кийинмасин, қанчалик хушбичим ва келишган бўлмасин, унинг ботиний олами, ички дунёси, хатти-харакати шунчалик фиску фасодга, ғаламисликка, нафратга, ёвузынка тўла бўлиб, ўқувчи унинг қилмишларидан кескин нафратланади. Ижодкор идеясидаги бадиий қаҳрамонга бўлган китобхоннинг муносабати воқеалар ривожида шаклланиб боради.

Адабнинг “Биллур қандиллар” қиссасидаги Бегимқул портретини чизища ҳам ёзувчи унинг ташқи либосига, зоҳирий кўринишига кўпроқ эътибор қаратади. Ана шу йўл билан адаб Бегимқул характеридаги бойликка, манфаатпарастликка, ялтироқ ҳаётга ўчлик психологиясини реалистик тарзда очиб беришга меваффақ бўлади: “Ҳикматилло Бегимқулни бир таниб, бир танимай қолди. Унинг эгнидаги қимматбаҳо кулранг костюми, фақат костюми эмас, оёғидаги туфлиси, кўйлаги ва гастугигача қандайдир ялтираб турар, одатдаги патак соchlари силлиқ тарапган, ўзиям райгазнинг ходими эмас, саҳнага чиқишга ҳозирлик кўрган машҳур артистга ўҳшар, фақат қош-қовоғи бир оз шишинқираган эди” [2,421]. Ана шундай ялтироқ жиҳозлар, шоҳона, данғиллама уйлар, бойлика мукласидан кетган Бегимқул мисолида ёзувчи инсоннинг маънавий таназзулга учраши унинг ташқи кўринишига, кийинишига қараб белгиланмаслигини, қалбнинг поклигини, покизалигини, инсоннинг ташқи қиёфаси ҳеч қандай ботиний оламни ёритишига асос бўлмаслигини ёрқин акс эттира олган.

Профессор У.Норматов адаб ижоди ҳақида сўз юритиб, шундай ёзади: “Истеъодли, имон-эътиқоди бутун, жасур адилларнинг энг яхши асарлари виждан садосига, ҳақиқат баҳсларига айланди. Айни пайтда, чин истеъод соҳиблари, жумладан, Одил Ёқубов қисса ва романларида “гап

АДАБИЁТШУНОСЛИК

айтиш”, “масала кўтариш”, яъни ҳақиқат баҳслари персонажлар тимсолида тажассум топган мангумуаммолар – шахс жумбоги талқинлари билан бир тарзда туташиб кетган”лигини асосли таъкидлаган [3,107]. Адибнинг илк асари “Муқаддас” дан бошлаб, сўнгги асари “Осий банд” романигача барча асарларида, виждан эрки, инсон шаъни, ғурури, миллат ва давр изтироблари “ўқ томир” бўлиб ўтиб, ўз ифодасини топиб боради. Бундай талқинларнинг замирида ижодкор бадиий маҳоратидан ташқари, унинг идеяси, ҳаётдан олган сабоқлари ҳам мушассамлашганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ёзувчи ўзининг романларида ҳам қаҳрамонлар портретини холис, реалистик тасвирлаш услубига содик қолди. Масалан, адибнинг илк романи “Эр бошига иш тушса”даги Эртоев, “Диёнат” романидаги Жамол Бўрибоев каби образларнинг портретлари фикримизнинг далили бўла олади. Бўрибоев уруш йилларида қон кечиб жанг қилган йигитларнинг қайлиқларини йўлдан уради, бутун ҳалқ икки фронтда жон олиб-жон бериб курашаётган бир пайтда ўз роҳат-фароғатини, манфаатини кўзлаб ҳаракат қиласди. Аммо ҳаёт ҳақиқати аччиқ – адопатнинг бир кун келиб қарор топишини тан олмаслик, инсон шаъни ва ғурурини оёқ-ости қилиш, йиллар ўтиб, унинг қалб нидосига айланади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ана шундай разил кирдикорлар соҳиби Бўрибоевни холис туриб тасвирлайди, унга бўлган салбий муносабатини китобхонга сездирмайди: “Отакўзининг ҳикояси эсида турган Шукуров ўшанда турқи совук, калондимоғ бир одамни кўраман деб ўйлаганди. Бунинг ўрнига сал қорин сола бошлаган бўлса ҳам ҳануз бўй-басти келишган, вазмингина бир одамни кўрди. Агар катта-катта кўкимтири кўзлари сал чақчайган бўлмаса бу оппоқ, бурни узун одамни чиндан ҳам хушсурат дейиш мумкин эди” [4,147].

Асада Холидахон, Фазилат, Тоҳира, Латофат сингари хотин-қизларнинг портретини чизишка ҳам ёзувчи ўзининг ана шундай бетараф, реалистик тасвир услубига содик қолади. Масалан, Отакўзи обком котиби Холмуродов ва райком котиби Шукуров билан сұхбатлашиб турганда улар ёнига Холидахон кириб келади. Шунда Отакўзи уни сұхбатдошларига танишиди:

“...Бу киши бизнинг парткомимиз, яъни, бошқача қилиб айтганда, комиссаримиз бўладилар, ўртоқ Холмуродов!” [4,163] Шундан кейин муаллиф нигоҳи орқали Холидахоннинг қуйидаги портрети тасвири берилади: “Холидахон ўрта бўйли, икки юзида кулгичлари ўйнаб, қоп-қора кўзлари чақнаб турган ёшгина, юлдузи иссиққина жувон эди. У ёқимтойлигини биладиган ёш жувонларга хос бир эркинлик билан кулиб келиб, олдин обком секретари, кейин Шукуров билан кўришди...” [4,163] Шукуров Холидахоннинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, унга бўлган Отакўзининг сертакаллуф муносабатидан хаёлий нутқида ўзича “хуласа чиқаради”: “Нима бўлгандаям бало бу одам! Масаланинг нозиклигини тушунди. Боя чўлда домланинг хизматларини рўйач қилиб бир ютган бўлса, ҳозир яна бир ютди! Мана бу жононни ҳам хўп топибди... Олий маълумотли агроном! Ёш бўлсаям ўз ишига пишиқ. Сиёсий ишлар бўйича комиссар эмиш!.. Аммо бирорта масалада ўз сўзи, ўз фикри бормикан бу “ёш комиссар”нинг? Ҳа, бало бу одам! Раис-ку бало бўлгани учун бу “тўтиқуш” ни ўзига “комиссар” қилиб олибди, райкомдагилар қандай қилиб тавсия қилишди буни? Наҳот “Отакўзи акамлар” деб гапирганида оғзидан бол томган бу гўзал жонон унинг қўлида бир қўғирчоқ эканини кўрмаган бўлсалар?” [4,164] Талқинлар жараёнида асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг у ёки бу хусусиятларини теран талқин этади. Ёзувчи асарнинг бошидаёқ эпизодик образларнинг портретларини ҳам жуда қисқа ва аниқ яратишга эътибор қаратади. Масалан, асарнинг дастлабки бобида илк бор кўриниш берган Отакўзининг ёлғиз қизи портретига муаллиф нутқида қисқа тавсиф берилган. Бу тавсифда машина ранги билан қизнинг кўйлаги бир хил “ҳаворанг” бўлиб, унинг ғоят нозиклигига ишора қилиниб, унинг хатти-ҳаракати “қафасдан учеби чиқкан кўк қушча” га ўҳшатилган: “...ҳаворанг “Волга” дан эса Отакўзининг қизи Тоҳира тушди. Калтагина ҳаворанг кўйлак кийган нозиккина Тоҳира, гўё “пир” этиб қафасдан учеби чиқкан мўъжазгина кўк қушчадек, машинадан “лип” этиб, енгилгина сакраб тушди” [4,5]. Келтирилган ихчам портрет тавсифидаги яна бир сўзга эътибор қаратишни истардик. Ёзувчи қизнинг “Волга”дан қандай тушганлигига ҳам ишора қиласди. Бунинг учун “тушди” феъли кейинги

гапда “енгилгина сакраб” аниқловчилари билан яна тақорланади. Асардаги бадиий қаҳрамонлар билан бир қаторда, уларнинг пртретини, руҳий оламини ўзига хос монанд тарзда ифодалайди. Худди шунингдек, ёзувчи фронтда ҳалок бўлган қаҳрамон йигит, Нормурод Шомуродовнинг ёлғиз ўғли Жабборнинг девордаги сурати асосидаги ихчам портретини келтиради: “Суратда елкаларига офицерлик погони тақилган, озғинлигидан лунжлари ичига ботиб кетган, бурни узун, қоп-қора бир йигит ҳорғингина жилмайиб турарди” [4,9]. Шу портрет тасвиридан кейин Отакўзининг унга берган “- Ҳа, ажойиб йигит эди!”, деган баҳоси китобхонни асар воқеаларига қизиқтиради, воқелар ривожининг кескинлашиши учун хизмат қиласи.

Романдаги воқеаларнинг ilk жараёнида сухбатдоши, район раҳбари А.Шукровга, унинг – Мадраса кўрганларми? - деган саволига жавоб тариқасида Отакўзи тоғаси Нормурод Шомуродовнинг бутун ўтмиши ҳақидаги ихчам тавсифини беради, бу тавсиф ҳам китобхонни асарнинг кейинги воқеаларини билишга қизиқишини орттириш учун бир воситага айланади: “- Ҳа... Э, бу кишини тирик тарих деса бўлади! Шу Тошкентда, Бешоғоч даҳасидаги машҳур Маъдихон эшон мадрасасида таҳсил кўрганлар. Кейин оқпошшо – герман уруши бошланиб, қишлоқда дўкондорлик қилган оталари “синганлар”-у, бу киши бир кундаёқ

мулламирқуруқ муллаваччага айланиб, мардикорликка кетганлар. Мардикорликдан большевик бўлиб қайтиб, қишлоқда қулоқларнинг додини берганлар, кейин Москвага ўқишга кетиб, биринчи сув инженери бўлиб қайтганлар” [4,7]. Тасвиirlардан кўринадики, асар қаҳрамонларининг бадиий характеристири, ботиний олами унинг фикр-мулоҳазалари асосида ҳам ёритиб борилади.

“Диёнат” романида ёзувчи қаҳрамонлар характеристини бутун мураккаблиги билан ёрита олди. Шунинг учун ҳам адабиётшунос Й.Солижонов роман ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни қайд этади: “Одил Ёқубов бу романида кўпроқ характеристика-диалог усулини қўллайди. Адид яратган диалоглардан ўқувчи қаҳрамонлар характеристини кўпроқ ва чуқурроқ билиб олади” [5,76].

Дарҳақиқат, ёзувчи асарда диалог, монологлар билан бир қаторда, муаллиф нутқи, ремарка ва репликалар орқали ҳам асар қаҳрамонларининг руҳий-маънавий оламини ёритишига ҳаракат қилган. Умуман олганда, Одил Ёқубовнинг асарлари ҳаётийлиги, давр воқеаларини бутун мураккаблиги билан акс эттирганлиги учун дикқатни тортади. Дарҳақиқат, адид яратган қаҳрамонлар характеристида замондошларимизни ўйлантириб турган фикрлар, даврнинг муҳим хусусиятлари ўз аксини топган.

Адабиётлар:

1. Ёқубов О. Ҳаёт сабоқлари ва ижод машаққатлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1988. – № 1. – Б. 67.
2. Ёқубов О. Сайланма. Уч жилдлик. 3-жилд. – Т., 1987.
3. Норматов У. Ижод сехри. – Т.: Шарқ, 2007.
4. Ёқубов О. Диёнат. Роман. – Т., 1998.
5. Солижонов Й. Нутқ ва услугуб. Адабий-танқидий нашр. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2002.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).